

Менгес Алламбергенов

ҚАДИМИЙ МУДОФАА ҚЎРҒОНЛАРИ



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2007

63.4 Археология
63.3(57) Ўзбекистон тарихи

Тақризчилар: Хайридин ХЎЖАНИЕЗОВ, *тарих фанлар номзоди, ЎзФА Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг тарих, археология ва этнография институти бўлими бошлиғи.*

Самандар ИСМОЙЛОВ, *тарих ўқитувчиси.*

Мазкур рисолада қадимий Хоразм давлати заминида (ҳозирги Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа тумани ҳудудида) илк ўрта ва ўрта асрлар даврида қурилган кўҳна қалъалар, тарихий обидалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Муаллиф ўзи тўплаган тарихий маълумотлар ҳамда археологик тадқиқотлар асосидаги манбаларга суяниб, қадимий Ипак йўли бўйида бунёд этилган, стратегик жиҳатдан муодофаага мўлжалланган қадимий қалъалар ва қўрғонлар ҳақида қисқача, қизиқарли тарихий маълумотлар беришга интилган.

Амударёнинг ўнг соҳили ҳудудида жойлашган, минг йиллар давомида ҳаёт гуллаб-яшнаган юзлаб қадимий қудратли қалъалар, уларда истиқомат қилган аждодларимиз — ота-боболаримиз ўз мустақиллигини сақлаб қолишга интилиб, муодофаа ишларида катта ҳарбий кучга эга бошқарув тизимини яратганликлари аниқ мисолларда ифодалаб берилган.

Рисола тарих фани ўқитувчилари учун фойдадан холи бўлмай, ундан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, авлод-аждодларимизнинг ҳаёти, маданияти ва тарихи билан тўлароқ таништиришда фойдаланиш мумкин.



© Алишер
Навоий номидagi
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти,
2007 йил.

20 04
А 4445
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MI

Ю 33/33
0

Бизнинг мамлакатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминиде «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади.

Ислон Каримов

АЖДОДЛАР МЕРОСИ — КЕЛГУСИ АВЛОДГА

Элликқалъа — жуда кўплаб тарихий қалъалар ва иншоотларни бағрига олган мўъжизавий замин. Биз қадимий обидаларга бой жойда истикомат қиламиз. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Зеро, Элликқалъа туманимизни “очиқ осмон остидаги музей” дейишса ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бунинг боиси, қадимий қалъаларга эга ушбу гўшада бугун тарихий обидалар билан бўйлаша оладиган эллик биринчи қалъа — мўъжазгина Бўстон шаҳри қад ростлади. Эндигина 30 баҳорни қаршилаган туманимиз бутун дунёдан ташриф буюраётган сайёҳларни, сармоядорларни, ижодкор ва санъаткорларни, сиёсат арбобларини кутиб олмоқда, ўз тарихи ва чақмоқдай ярқ этган бугунги гўзал жамоли билан ҳаммани ҳайратга солмоқда.

Юртимизга бир марта келган меҳмон қалбида ажиб ҳис туюб, улкан таассуротлар билан қайтиши аниқ! Негаки, бир томонда навқирон йигитдай кўркам ва баркамол янги шаҳар турса, иккинчи томонда ўз бағрига қанча сир-у синоатларни яшириб, салобат тўкиб турган қалъалар намоён бўлади...

Буюк ипак йўли бўйида жойлашган бу қалъаларнинг ҳар бири ўнлаб асрларнинг суронли тўфонларини бошидан кечирган, аждодларимизнинг тарихидан сўзловчи “тирик” гувоҳ.

Тарихини билмаган элнинг келажаги йўқ, дейди донишмандлар. Шу элда яшайдиган, Ватанини севадиган ҳар бир киши, бу қалъаларнинг тарихидан бохабар бўлиши лозим ва уларни келгуси авлодга етказиш учун масъул саналади. Шу ўринда Менгес Алламбергенов жуда ҳайрли ишга қўл урган. Унинг «Қадимий мудофаа қўрғонлари» деб номланган мазкур илмий-оммабоп рисоласи ана шу мақсад йўлидаги илк қадам бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Тумандаги тарихий ёдгорликларнинг қайси даврларда ва кимлар томонидан бунёд этилгани ҳақида машҳур рус археолог-олими С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм» деб номланган китобида батафсил баён этилган. М.Алламбергенов эса қўлимиздаги мазкур рисолада Тупроққалъа, Аёзқалъа, Гулдурсунқалъа каби ёдгорликларнинг мустаҳкам мудофаа истеҳкомлари бўлганлиги, уларнинг қурилиш услуби, сув иншоотлари ҳақида асосли фикрлар билдиради.

“... ҳар бир қаср баланд деворлар билан ўралган мудофаа иншоотларини эслатиб, ўша даврда аҳоли қандайдир ҳарбий хавф остида яшаганлигини кўрсатади,” деб таъкидлайди муаллиф. Рисолада Аёзқалъа, Гулдурсинқалъа, Қирққизқалъалар ўртасида мустаҳкам сув иншоотлари ва ер ости йўллари бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни ўқиб, бу ердаги аҳолининг деҳқончилик билан шуғуллангани ва ҳар бир қалъада муҳофаза иншоотлари қурилгани диққатингизни тортади.

“...Қизилқалъа муҳим стратегик пункт бўлиб, у хоразмшоҳлар қароргоҳи — Тупроққалъани Амударё томонидан қўриқлаб турган.

... Кенг саҳро ўртасида баландга кўтарилиб турган Аёз-1 ҳам Қизилқалъа сингари Хоразмга шимолдан борадиган йўл устидаги муҳим стратегик иншоот ҳисобланади”, — деб уқтиради рисола муаллифи.

Хоразм давлати ҳудудида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бир-бирига даҳслис қатор ҳокимликлар бўлганлиги ҳақида фикр юритилади. Тупроққалъадан топилган муҳим топилдиқлардан бири — бошига тож кийиб, қўлида бургут ушлаган кишининг ҳайкалчаси ва Аёзқалъадан топилган худди шундай сурат билан зарб қилинган танга бу ерда ўзига хос маҳаллий ҳокимият мавжуд бўлганидан далолат беради, дейилади китобчада.

Бу қалъалар биз яшаётган ушбу ҳудудда I—IV асрларда жуда ривожланган Хоразм давлати ҳукм сурганидан гувоҳлик бериб турибди. Рисолада бу давлатдаги аҳолининг ўз мустақиллигини қандай ҳимоя қилганлиги, оғир қўл меҳнатига қарамай мустаҳкам мудофаа иншоотлари қургани ва махсус лашқарлар тинч меҳнат кишиларининг осойишталигини таъминлагани тўлақонли эътироф этилади. Сув иншоотларининг муҳофазаси ҳақида ҳам кенг, асосли фикрлар юритилганки, буларнинг барчаси Хоразм давлати аҳолисининг тинч ва осойишта умр кечирishiга, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланишига хизмат қилган.

Аждодларимизнинг ўз Ватанига, халқига бўлган меҳр-муҳаббати, мустақилликни авайлаб-асраш борасидаги фидоийликлари қаламга олинган бу рисолани мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи ота-боболаримизнинг асрлар оша мустақилликка бўлган интилишини ҳис этади ва уни авайлаб-асраш нақадар муҳим эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Ўйлаймизки, муаллиф савоб ишга қўл урган. Тарихий обидаларни ўрганиш борасидаги изланишларини давом эттиради, деган умиддамиз. Зеро, шу заминда яшаб, ижод этаётган ҳар бир киши бу муҳим тарихни келажак авлодга етказиш учун масъулдир.

Зулайҳо НУРМЕТОВА,
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист.*

ҚУДРАТЛИ ҚЎРҒОНЛАР ДАВЛАТИ

*Тупроққалъалардан келар товушинг,
Товушларинг келар Эллиққалъадан.
Мен ҳам бир қўрғондай кетгум қоришиб,
Улуғ қўрғонлардан яралган Ватан!*

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Ҳозирги Эллиққалъанинг узоқ тарихига оид маконлар, мудофаа қўрғонлари ва эски қалъаларда археолог-тарихчи олимлар томонидан олиб борилган изланишлар ва қазиш ишлари натижаси бу ҳудуд тарихининг нақадар бой эканлигини кўрсатади.

Археолог-олим С.П.Толстов «Қадимги Хоразм» номли ажойиб асарининг «Кангюй отлиқлари» деган бобида отлиқ аскар қурол-яроғлари ва тактикаси Хоразм воҳаси аҳолиси билан сак-мас-сагетлар алоқа қилган, улар бир жойдан чиққан бўлиши мумкин, деган фикрни уйғотади дейди. Кейинчалик олим Хоразмнинг антик давр охиридаги (Тупроққалъа) ва илк ўрта асрдаги қурол-аслаҳалари, қадимий сугднинг ҳарбий анжомлари сингари апасиак отлиқ аскарлари қурол-аслаҳалари билан узвий боғлиқлигини исботлаб берган. Бу исбот асосида Хоразм давлати қўшинлари бир қанча оралиқ воситалар орқали Европада ўрта асрларда манжуд бўлган қуролланиш тури ва тактикаси ҳамда рицарликнинг пайдо бўлиши учун намуна бўлмаганмикин, деган ҳақли савол туғилади.

Эрамиздан аввалги IV—I асрлар қадимги Хоразмнинг



гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу пайтга оид ёдгорликлар жуда ҳам кўп ва хилма-хилдир. Хоразмнинг антик даврдаги шаҳарларининг деярли барчаси воҳани даштдаги қўшни қабилалардан мудофаа қилиш мақсадида қурилган. Амударёнинг ўнг томонида шарқдан ғарбга қараб кетма-кет чўзилган Канғалъа, Жанбасқалъа, Бозорқалъа, Қўргошинқалъа, Қирққиз, Аёзқалъа, Бўрлиқалъа ва Тупроққалъа суғориш иншоотларининг этагида бир-бирларига яқин ва қатор қилиб қурилган. Бир режага асосланган мудофаа тизими ва тараққий қилган зўр суғориш иншоотларининг мавжудлиги Хоразмнинг қудратли марказлашган давлат бўлганлигини кўрсатади.

Хоразм экспедицияси аъзолари Хоразм подшоҳларининг қароргоҳи ҳисобланган Тупроққалъа ҳаробаларидан ва унинг теварагидан, Норинжон ва Бургутқалъа атрофларидан, шунингдек уларга яқин қасрлардан, Анқақалъа, Катта Гулдурсун, Желдикқалъа, Аёзқалъа каби ҳаробалардан дастлабки йиллардаёқ мингдан ортиқ танга нухаларини, асосан мис тангаларини топганлар. Маълумки, асли танга-чақа зарб қилиш нафақат давлатчилик ривожланган, балки муайян давлатнинг мустақил эканлигидан далолат беради.

Тупроққалъадан топилган тангаларда айрим подшоларнинг ёки афсонавий қаҳрамонларнинг сурати зарб қилиниши ҳам бу ерда ўзининг ички ва ташқи сиёсатини олиб борган қудратли давлат тузуми мавжудлигини тасдиқлайди. Ҳатто кўпчилик тангалар муайян тангаларга эга эканлигини инобатга олсак, бу давлатда нафақат мустабид подшолар, балки айрим ҳукмдорлар мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб борган бўлса ажаб эмас.

Кушан империяси даврида ҳам илгаргидек суғориш тармоқлари ривожланади ва такомиллашади, эски қалъалар қайта қурилади, янги қалъалар ва аҳоли яшайдиган пунктлар вужудга келади. Янги пайдо бўлган катта суғориш иншоотларидан Қирққиз ва Тупроққалъа каналларини айтиб ўтиш лозим. Воҳа чеккаларида Кушан даври учун ўзига хос бўлган мудофаа иншоотлари барпо қилинган. Қуйи Чарманёпда Говурқалъа, Устюрт қирларида Девкесганқалъа бунёд этилади. Суғориш тармоқларининг ривожланиши натижасида Аёзқалъа, Қўргошинқалъа, Тупроққалъа, Катта Гулдурсун, Кичик Қирққиз каби янши мустаҳкамланган шаҳар ва қалъалар пайдо бўлади.

Бу ёдгорликларнинг ичида Катта Гулдурсун, Қизилқалъа, Аёзқалъа, Говурқалъа, Анқақалъа ва ажойиб тарихий хазина бўлган хоразмшоҳлар қароргоҳи — Тупроққалъа алоҳида диққатга сазовордир.

Антик Хоразм давлатининг илк пойтахти ҳисобланган мазкур обида ва унинг теварагидаги ёдгорликлар тўғрисида батафсил тўхтаб ўтиш зарур. Катта Гулдурсун найзасимон шинакли қўшдевор билан ўралган нотўғри тўртбурчак (280—230 м.) шаклидаги зўр истеҳком бўлиб, у иккита катта сув иншооти — Қирққиз ва Тупроққалъа каналларининг бир-биридан ажралган жойида қурилган. Ички ҳовлида илк Кушан нусхасидаги қизил лойдан ишланган сополлар ва катта иморатларнинг қолдиғи бор. Қалъа яқинида қазилган катта сув иншооти Норинжон шаҳри орқали ўтиб, Тупроққалъага боради ва Қизилқалъа истеҳкоми олд қисмида тугайди. Мана шу зўр сув иншоотларининг бош қисмини мудофаа қилувчи ва сув тақсимлаш ишларини бошқарувчи марказий идора Гулдурсунқалъада бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу канал ва шохобчаларнинг қуйи оқимларини Қизилқалъа, Аёзқалъа ва бошқа қалъалар қўриқлаган. Булар ичида Қизилқалъа илк Кушан даврида баланд гишт пойдевор устига қурилган анча қудратли истеҳком бўлиб, ундаги бинолар каттагина чегара соқчилигини олиб борган ҳарбий гарнизон учун мўлжалланган. Қалъанинг ички қисмига ёппасига равоқли йўлаксимон бинолар қурилган. Қизилқалъа муҳим стратегик пункт бўлиб, у хоразмшоҳлар қароргоҳи — Тупроққалъани қадимги йўл орқали ҳамда Амударё томондан келадиган ёвлардан қўриқлаб турган.

Аёзқалъа ёдгорлиги кичик девор билан ўралган. Султон Увайс тоғининг шарқий этагидаги деҳқонларнинг йирик қўрғонларидан иборат. Эҳтимол,

қўрғон ичида боғ ва полизлар мавжуд бўлган. Бу ерда-



Тупроққалъадаги
хоразмшоҳлар резиденцияси

ги жуда кўп деҳқон қўрғонларининг орасида учтаси алоҳида ажралиб туради. Аёзқалъа қоясининг тепасини безаб турган Аёз-1 деб аталган истехком ярим доира шаклидаги буржли баланд қўшдеворлар билан ўраб олинган. Қалъа бурчакларида икки буржнинг бир-бирига қўшилган «қалдирғоч думига» ўхшаш шакл ҳосил бўлади. Бундай меъморчилик усулини фақат илк кушанлар даврида қадимги Хоразмнинг ҳарбий истехком қурувчи усталари қўллаган. Кенг саҳро ўртасида баландга кўтарилиб турган Аёз-1 ҳам Қизилқалъа каби Хоразмга шимолдан олиб борадиган йўл устидаги муҳим стратегик иншоот ҳисобланади.

Хоразм давлати ҳудудида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб олган бир қатор ҳокимликлар вужудга келади. Тупроққалъа саройи залларининг бирида бошига тож кийган ва қўлига бургут ушлаган подшо ҳайкалининг топилиши, шунингдек Анқақалъа яқинида ҳам бошида тож, қўлида бургут ушлаган киши сурати солинган танганинг топилиши, бу тангаларнинг шу жойда зарб этилганлиги — маҳаллий сулола ҳокимияти ўрнатилганлигидан далолат беради.

Тупроққалъа ўзининг тузилиши, деворлари ва ундаги шинаклар, у ердаги хоналарнинг қурилиши ва мудофаа тизими билан антик даврдаги катта шаҳарларга ўхшаб кетади. Лекин у ўзининг ажойиб санъат бойлиги билан алоҳида ўрин тутаети. Буюк хоразмшоҳларнинг илк пойтахти бўлган бу ажойиб тарихий обида Султон Увайс тоғининг жануброғида, қадимий қалъалар ҳудудида жойлашган. Бу тилсим қалъа ҳаробалари 17,5 гектар майдонни (500x350 метрни) ишғол этади. Кўринишдан тўғри бурчак шаклидаги Тупроққалъа шимолдан жанубга чўзилган бўлиб, атрофи катта хом гиштлардан қурилган қалин ва баланд девор билан ўралган. Деворлар бўйлаб квадрат шаклдаги жуда кўп буржлар қад кўтариб туради. Қалъанинг шимол-ғарбида эни ҳам, бўйи ҳам 180 метр келадиган икки қават қилиб қурилган ҳашаматли сарой ҳаробалари кўзга ташланиб туради. Сарой ўз атрофидаги барча мудофаа иншоотлари билан биргаликда қисқа вақтда барпо этилган. Саройни душмандан мудофаа қилиш мақсадида ҳар бири 25 метр келадиган учта минора қурилган. Шаҳар атрофи ҳар 30—40 метрда квадрат шаклидаги минораси бўлган икки километрли девор билан ўраб олинган. Шунингдек, шаҳарнинг бош дарвозаларини қўриқлаш учун баландлиги 10—12 метр бўлган махсус йирик истехкомлар барпо этилган.

Шаҳарнинг жануб томонидаги бош дарвозасидан ичкарига қирилган заҳоти тўғри бурчакли қилиб қурилган уйга дуч келинади.


Афтидан, бу шаҳар соқчилари турган жой бўлса керак. Шу уйдан марказий кўча бошланади. Ўн метр кенгликдаги бу кўча тўғри ҳукмдорнинг саройига ва шаҳар ибодатхонасига олиб кирадиган дарвозага бориб тақалади. Шу кўчанинг охиридан ўнгга қараб кетган яна бир кўча бозорга олиб чиқади. Бош кўчанинг ҳар томонида бир-бирига тўғри келадиган тор кўчаларда 9—10 тадан қаторлаб кўп хонали катта уйлар қурилган. Қалъанинг ички меъморчилиги Жанбасқалъага ўхшаб кетади.

Ана шундай тор кўчалар ўртасидаги ҳовли-жойлар бир-бирига тутшиб кетган бўлиб, улар орасида девор йўқдай кўринади. Туташ ҳовлилардаги хоналарнинг сони 200 тагача етади. Бу нарса Тупроққалъада истиқомат қилган аҳоли уруғ-аймоқ бўлиб, авлодма-авлод яшаганлигидан ва ижтимоий ҳаётнинг қадимги шаклига мансуб бўлганлигидан далолат беради.

Ҳукмдор саройининг жанубий дарвозасидан бошланадиган узун йўлакнинг охирида ўт ибодатхонаси жойлашган. Ибодатхона бир неча иншоотлардан ташкил топган. Иншоотларнинг ўртасида қўш деворлар билан ўралган ва ичкарига айланма йўлаги бўлган тўғри бурчакли бино туради. Қадимий хоразмликлар ибодат қилган сўнмас ўт шу бинода сақланган.

Ўт ибодатхонаси билан ёнма-ён икки қават қилиб ишланган, уч бурчакли ажойиб бино ўзининг ҳашаматли кўриниши билан кишини ҳайратда қолдиради. Бинонинг юқори қисмидаги девор ганчдан

*Тупроққалъадаги
шоҳлар
резиденцияси
макети*



ишланган чиройли ҳайкалчалар билан безатилган. Сарой ва ибодатхона қурилишлари жанубий ҳамда шарқий тарафдан шинакли қалин ва баланд деворлар билан гир айлантириб ўралган. Саройнинг олдида хўжаликка оид 12 хона бўлиб, уларда ҳеч қандай безаклар учрамайди. Девор бўйлаб бурж ва дарвозалар қурилган саройга шарқ томондаги пандусдан кирилади. Пандуснинг охири турли ўсимликларга ўхшатиб нафис нақшлар билан безатилган тор йўлакда тугайди. Сарой шу қадар баланд қилиб қурилганки, аҳоли яшайдиган ҳовлилар ундан жуда кичкина бўлиб кўринади.

Шубҳасиз, Тупроққалъадан топилган жуда бой археологик материалларни пухта ўрганиб, хоразмликларнинг III—IV асрлардаги давлатчилиқ сиёсати, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилиги, ҳарбий тузум, маданияти ва ёзувини тўлақонли тасвирлаш мумкин.

Бутун Хоразмда шоҳларнинг тенги йўқ дабдабали қароргоҳи бўлган Тупроққалъа саройи номаълум сабабларга кўра IV асрга келиб ташландиқ ҳолга айланиб қолади. Шаҳардаги бўшлиқ эса VI асргача давом этади. Худди шу даврда Амударёнинг ўнг ва алоҳида сўл қирғоғидаги суғориш иншоотлари ҳам инқирозга учрайди. Катта магистрал каналларнинг қуйи оқимидаги тармоқлари бутунлай ишдан чиқади. Қадимги Калтаминор сув тизими ниҳоят қисқариб кетади. Дарёнинг сўл қирғоғидаги суғориладиган кўп ерлар чўлу биёбонга айланиб, анча шаҳарлар ҳувиллаб қолади.

Африғ сулоласи шундай катта тарихий ўзгаришлар содир бўлган бир даврга



Тупроққалъадаги
ўт ибодатхонаси


тўғри келади. Эрамизнинг IV асрларидан бошлаб шундай кучли воқеалар рўй берадики, натижада Хоразмнинг бутун хўжалик ва жамият тузуми, маиший ва сиёсий аҳволи кескин равишда ўзгара бошлайди. Бу ўзгаришлар янги хилдаги истеҳком ва ҳовлиларнинг пайдо бўлишида яққол кўринади.

Қудратли қалъалар соясида мустаҳкам қурилмаган истеҳкомлар ўрнига далалар ўртасида деҳқонларнинг ўзбошимчалик билан мустаҳкамлаб қурган қўрғончалари пайдо бўлади.

Бу қўрғончалар билан бир қаторда зодагонлар яшайдиган ваҳимали янги қасрлар ҳам қад кўтаради. Воҳадаги дабдабали антик шаҳарлар тушкунликка учраб, жамият ҳаёти шаҳардан қишлоққа ўта бошлайди.

Шубҳасиз, Хоразм воҳасида рўй бераётган бу муҳим ижтимоий-иқтисодий жараён Ўрта Осиёда авж олиб борган сиёсий воқеалар билан бевосита боғлиқ бўлган. Ажойиб тарихий обида Тупроққалъанинг қисқа муддатда, яъни бир неча асрда тикланиб, кейин инқирозга учраши минтақадаги жиддий ўзгаришларнинг ёрқин ифодаси эди.

С.П.Толстовнинг таърифлашича, Тупроққалъа шаҳари ва ундаги саройнинг қурилиши ҳам даставвал муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳисобланади. Чунки бу иншоотнинг бунёд этилиши тарихда «Хоразм эра»сини бошлаб берган воқеа, деб юсак баҳоланади. Сабаби, эрамиздан аввалги II асрда дашт қабилаларининг босиб келиши натижасида қудратли Грек-Бақтрия давлати емирилиб, Парфия инқирозга учраб барбод бўла бошлайди. «Кангюй» маданияти-



Тупроққалъа

нинг тубанликка юз тутиши, Амударё этакларида ягона Хоразм давлатининг тикланиши ва кучайиши янги сулоланинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эканлигини намоён қилади. Балки африғийлар сулоласи сиёвушийлар анъаналарини давом эттириб, ўз кучини кўрсатиш учун ҳашаматли Тупроққалъани бунёд қилгандир. Янги сулоланинг қуйи Амударё воҳасида пайдо бўлиб, хоразмшоҳлар билан боғлиқ, янги йил ҳисобининг, Беруний кўрсатганидек, ўша даврдан бошланиши ҳам бежиз бўлмагандир. Чунки мазкур шаҳар-қалъанинг яратилиши Хоразм давлатининг қайтадан тикланиб, мустақилликка эришганлигининг рамзи сифатида африғийлар тахтининг мустаҳкамлиги ва унинг қадимий тарихий ҳамда мафкуравий анъаналари билан боғлиқлигини ифода қилиши мумкин.

Тадқиқотчилар орасида Тупроққалъа мамлакатнинг пойтахти бўлганми ёки пойтахт бошқа шаҳар ҳисобланганми, деган баҳслар ҳозиргача давом этади.

Кўпчилик олимлар, жумладан С.П.Толстовнинг ўзи ҳам, мазкур обидани пойтахт билан боғлиқ, давлатни бошқариб турган подшоҳлар қароргоҳи деб ҳисоблайдилар. Қурилиш услубига қараганда ҳашаматли сарой қасри билан шаҳар кварталлари эгаллаган ҳудуд сатҳи тахминан бир хил майдонга тенг (13 ва 10 гектар). Эҳтимол бу ерда истиқомат қилувчилар асосан зодагонлар, хизматкорлар ва қўриқловчи аскарлар бўлган. Шаҳар ҳудудида бозор ва ҳунармандлар ристаларининг йўқлиги ҳам мазкур фикрни қувватлайди. Асли сарой биноси, унда топилган ёзма ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Тупроққалъа шубҳасиз қулларнинг оғир меҳнати, меъморларнинг зўр маҳорати, ижодкорларнинг нафис санъати мужассамланган антик Хоразм ижтимоий тузуми ва давлатчилигини ифодаловчи муқаддас ноёб обида ҳисобланади.

Тупроққалъани мамлакатнинг бош шаҳри, яъни пойтахти бўлмасдан, балки сулола ҳукмдорларининг марказий қароргоҳи вазифасини бажарганлигини тасдиқловчи қўшни Парфия подшоҳларининг истеҳкоми, кўшк-саройи ва ибодат маркази ҳисобланган Эски Ниса билан қиёс қилса бўлади. Аммо хоразмшоҳлар қароргоҳи ўзининг тузилиши, қурилиш услуби ва аҳамияти жиҳатидан Нисадан ажралиб туради. С. П. Толстовнинг фикрича, Тупроққалъа меъморчилиги кўп жиҳатдан Месопотамия иншоотларига ўхшаб кетади. Қалъада уйлар сатҳидан анча баланд кўтарилиб қурилган сарой бинолари муқаддас тоғни ифодаловчи қадимий шарқ иншоотларини эслатади.

Бунга қурилиш услубидаги қадимий Бобил ва Ассирия билан хоразмликларнинг баъзи меъморчилик шаклларининг умумийлиги мисол бўла олади.

Тарихий-археологик маълумотларга қараганда, араб истилоси арафасида Хоразм жиддий тангликни бошдан кечирмоқда эди. Бу пайтда Тупроққалъа атрофидаги шаҳарлар таназзулга юз тутди ва ҳаёт сўниб борди. Суғориладиган экин майдонлари кескин қисқариб кетди, ҳунаромандчилик, ишлаб чиқариш касодга учради. Ички бўҳрон туфайли заифлашган Хоразм давлати ўз худудига кириб келиб, воҳада ўтроқ бўлиб қолган ярим кўчманчи ва кўчманчи қабилалар сиқувига дош беролмади. Бу омилларнинг барчаси хоразмликларнинг ижтимоий ва этник қиёфасига ўз таъсирини ўтказди.

Тупроққалъа ва унинг атрофидаги мудофаа деворларида VI аср охирларигача ҳаёт давом этган. Кейинги йилларда қалъанинг янада янги сирлари очилмоқда.

ЖЕЛДИКҚАЛЪА — МАЙИН ШАМОЛЛИ ҚАЛЪА

Минг йилликлар давомида ҳозирги биргина Эллиққалъа тумани худудида 100 дан ортиқ мудофаага мўлжалланган кўҳна қалъалар бўлган бўлса, бугунги кунга келиб 20 дан зиёдроқ ана шу эски қалъалар ҳаробаси сақланиб қолган холос.

С.П.Толстов Тупроққалъа ва Желдикқалъа каби қадимий биноларнинг пойдевори қум-ғишт билан тўлдириб қурилганлиги, бу эса ўз навбатида



бинони нам ва нам олиб келадиган туз таъсиридан сақлашда қадимги хоразмликларга хос усул эканлигини таъкидлайди.

Тумандаги қалъаларнинг энг қадимгиси ва энг катталаридан бирини одамлар «Елликқалъа» деб аташади. Уни профессор С. П. Толстов ўзининг «Қадимги Хоразм», «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» номли асарларида «Желдикқалъа» номи билан тилга олади. «Желдикқалъа» сўзи эса «Елликқалъа» сўзининг ҳозирги қозоқ тилидаги талаффуз қилинишидир. Ҳар иккови ҳам «Шабдали қалъа», «Майин шамолли қалъа» деган маънони англатади.

Худудда ҳозиргача сақланиб қолган Желдикқалъа ёдгорлигида милоднинг III—IV асрларида одамлар истиқомат қилганлигини, қўрғон Хоразмнинг ўша даврдаги хоразмшоҳлар қароргоҳи бўлган Тупроққалъа билан тенгдош эканлигини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Хоразм археология ва этнография илмий экспедицияси аниқлаб берган.

ҚАВАТҚАЛЪА ХОРАЗМНИНГ ЮКСАЛГАН ДАВРИ ЁДГОРЛИГИ

Элликқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳрининг ғарбида Қаватқалъа ҳаробалари жойлашган. Қалъада XI—XIII асрларда ҳаёт гуллаб-яшнаган. Унда Ўрта асрларнинг қишлоқ йирик феодал саройи қурилган.

Эски Говҳўра каналининг ғарбида жойлашган, атрофларини қум барханлари ўраган қўрғон майдони 110 x 115 метр бўлиб, ҳар бир деворини беш минора ҳимоя қилади. Қалъа деворларининг баландлиги 10 метр бўлиб, ҳозиргача 8 метр баландликдаги девори сақланиб қолган. Миноранинг пастки қисми 13 x 10,5 метрни ташкил этади.



Қаватқалъа

Қаватқалъага бевосита тутшиб кетувчи 8 квадрат километрли тақирда 90 дан ортиқ деҳқон қўрғонлари бўлганлиги аниқланган. Агар Қаватқалъа рустагини афригийлар давридаги Бургутқалъа рустаги билан (бу ерда 35 километр квадрат майдонда 100 тача қўрғон жойлашган) аҳолининг ўрнашганлик даражаси солиштирилса, аҳоли зичлиги тахминан тўрт баробар ошганлиги кўриниб турибди.

Қаватқалъа мажмуасининг таҳлили XII—XIII асрларда Хоразм жамиятининг тузилиши қандай бўлганлиги тўғрисида мукамал тасаввур беради. Қаватқалъа рустагининг тортилиш маркази кичикроқ қалъа — шаҳар бўлиб, унинг ичида девори сиртидаги сувоққа ўйиб хилма-хил нақшлар туширилган сарой биноси топилган. Қалъани гир айланиб чиқадиган канал ёқасининг у ер — бу ерида ўша даврга хос шаклдаги тўртта қўрғон бўлган. Улар — тўғри тўртбурчак шаклидаги равоғи ташқарига туртиб чиққан, арки ёй ўқиға ўхшаш, бурчакларида қиррали декоратив кичик буржлари бор квадрат шаклдаги истеҳкомлар бўлган. Қўрғонларнинг донжони йўқ, тўртбурчак шаклидаги турар жойлар девор ёқалаб жойлашган, ичкаридаги ҳовлининг саҳни кенг бўлган. Қўрғоннинг деворлари юпқа бўлиб, мудофаа жиҳатидан айтарли аҳамиятга эга эмас.

Мўғулларнинг Хоразмга ҳужуми туфайли хоразмшоҳлар давлати ўсишдан тўхтади. Хоразм маданияти топтаб ташланади. Қаватқалъа воҳасидаги қад кўтарган қалъалар вайрон қилинади, аҳолисининг кўпчилиги қириб ташланиб, ёшлар Мўғулистонга қул сифатида олиб кетилади.

БУРГУТҚАЛЪА — УЗОҚ МОЗИЙДАН ДАРАК БЕРАДИ

Бургутқалъа ҳаробалари эраиздан аввалги I асрда одамлар яшайдиган 200 x 150 метрлик ҳажмдаги қўрғон бўлганлиги аниқланган. Бизгача етиб келган Бургутқалъа ҳаробалари VII—VIII асрлардан бошлаб қайта қурилган қалъа-қўрғон ҳисобланади. Қалъа тўрт томони баланд истеҳкомли девор билан ўраб олинган. Қўрғон майдонини (100 x 160 м) ўраб турувчи деворнинг баландлиги 10 метр бўлиб, унинг пастки қисми қалинлиги 2,5 метр келади.

Қўрғон деворига ёпиштирилиб ташқарига фишдан вал шаклида қурилган минора иншоотининг юқори қавати паҳса девордан бўлиб, мудофаанинг мустаҳкам бўлишини кўзлаб қилинганлигини кўрса-

тади. Минорадаги навбатчи соқчиларнинг мўлжалга олиш тешиклари кенлиги 20 сантиметр бўлиб, баландлиги 30 сантиметрли ташкил этса-да, ташқаридан 1 метр кўриниш беради. Миноранинг пастки қаватидаги нишонга олиш жойи қатъий тартибда параллель ишланган.

Бу эса кузатув пунктларида турган ҳимоячиларнинг бостириб келётган душманга аниқ зарба беришларини таъминлаш билан бирга қаердан туриб қаршилиқ кўрсатаётганлигини сездирмаслик мақсадида ишланганлигидан далолат беради.

Бургутқалъада қўшимча паст тўсиқ деворларининг бўлганлиги қадимги ҳарбий санъатдаги ютуқлардан фойдаланишнинг кўринишидир. Паст тўсиқ девор уруш пайтида девор бузувчи машиналарнинг ҳужумидан қалъа аҳолисини ҳимоя қилишга мўлжалланган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, хоразмшоҳ Чагон укаси Хуршод турган Бургутқалъага қарши уруш очади. Хуршод бошчилигида бургутқалъаликлар шоҳ Чагон қўшинларини енгиб, воҳадан ва Хоразмдан суриб ташлайдилар. Ўз укасининг қўшинларидан енгилган шоҳ Чагон номардлик қилиб, Хоразмни ўзларига қарам қилиб олишга шай турган араб босқинчиларига Хуршодни енгиб олишда ёрдам сўраб мурожаат қилади. Натижада араб қўшинлари 712 йилда Хоразмнинг пойтахти Катни, кейин Бургутқалъа ва унинг атрофидаги аҳоли пунктларини узоқ курашлардан кейин босиб олади ва қаршилиқ кўрсатганлиги учун аҳолини қириб ташлайди. Натижада Бургутқалъада ҳаёт сўнади. Қалъа атрофида бу қирғиндан омон қолган аҳоли яна бир асрга яқин ҳаёт кечирган. Араблар истилосидан анча кейин, яъни X асрда Бургутқалъа ва унинг ат-



Бургутқалъа



рофида турли тўқнашувлар ҳамда сувсизлик оқибатида ҳаёт тугайди. Одамлар сувга қулай жойларга кўчиб кетадилар.

ЎЙҚАЛҒА ЁДГОРЛИГИ

Худудда жойлашган қалъа ва қўрғонлар орасида ҳарбий мудофаага мўлжалланганлардан яна бири Ўйқалъа ёдгорлиги бўлиб, у Элликқалъа туманидаги “Гулистон” овулининг Ўрдакхона кўли жанубий этагида жойлашган.

Ўйқалъа деворлари унча қалин бўлмаса ҳам мустаҳкам истеҳкомга эга. Деворларининг юқори қисми 1 метр қалинликда бўлиб, антик даврга оид бино қолдиқлари қалъага мустаҳкам устун бўлиб хизмат қилган. Бу — ўша даврда девор бузувчи машиналардан қалъани ҳимоя қилишда муҳим восита бўлганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Қўрғонни асосан турли тарафдан ўраб турган уч минора ҳимоя қилади. Деворларнинг баландлиги 7—8 метр атрофида бўлиб, юқоридаги қисмида душман ҳужумига йўл қўймаслик чора-тадбирлари кўрилган. Қалъа ҳимоячилари миноралар орасидаги кўпирикчалардан фойдаланиб, биринчисидан иккинчисига ўтганлар. Ўйқалъанинг деворлари тўғри бурчакли, олдинга туртиб чиққан иншоотга эга, ундаги жуда кўп зинапоячалар мудофаани янада кучайтиришга хизмат қилган.

Ўйқалъада VII—VIII асрларда одамлар истиқомат қилган. Бу давр воҳада фуқаролар уруши қизиганлиги билан характерланади.

Ўйқалъанинг минораларида навбатчи сокчилар доимо жанговар ҳолатда шай



Ўйқалъа

туриб, қалъани ҳимоя қилганлар. Шунингдек, қалъа ҳимоячилари ҳам кичик кўрғонларда яшайдиган деҳқонларни бўйсундириш учун вақти-вақти билан урушлар олиб борганлар.

Ҳайқалъанинг ҳаробага айланишига биринчи навбатда араб қўшинларининг аёвсиз олиб борган қирғинбарот урушлари сабаб бўлган.

КАТТА ҚИРҚҚИЗҚАЛЪА СТРАТЕГИК МУДОФААГА ЭГА

Бу қалъа милoddан аввалги IV—III асрларда мавжуд бўлиб, унда аҳоли истиқомат қилган. Кичик Қирққизқалъа ҳам Катта Қирққизқалъа билан тенгдош. С.П.Толстовнинг таъкидлашича, милoddнинг V—VI асрларида Катта Қирққизқалъада одамлар гавжум яшаган. Қалъа VII—VIII асрларда истеҳкомланган ва тўрт томони мустаҳкам фишт билан девор қилиб ўралган. Деворга туташ икки қаватли минораларда қалъани душмандан ҳимоя қилишга мўлжалланган ўқ отиш тешикчалари ишланган.

Қалъа қадимги даврдагидек ҳозир ҳам экин майдонлари билан Қизилқум саҳроси чегарасида жойлашган. Маҳаллий аҳоли Кичик Қирққизқалъани Қул қалъа ҳам деб атайдди. Айтишларига қараганда, Кичик Қирққизқалъада шу воҳадаги энг катта қул бозори бўлган. Шунинг учун ҳам бу қалъани ҳозиргача Қул қалъа деб атаб келмоқдалар. Бу қалъа ҳам шу даврдаги бошқа қалъалар каби стратегик мудофаага мўлжаллаб қурилган.

Қалъадан 30—50 метр жанубда кўп хонали бино бўлиб, ундан темир қолдиғи, шлак уюми, темир эритиладиган ўчоқ топилган.

1984 йилда Катта Қирққизқалъа яқинидаги тақирликдан тангаларга лиқ тўла кўза топилди. Тангалардан битта-сигина чиримай,



Катта Қирққизқалъа



қорайган ҳолатда бизгача етиб келган. Танганинг чап томонига Сиёвушнинг расми туширилган. Сиёвуш минган отнинг олд томонида Сиёвуш томонга қайрилиб қараганча дугорга ўхшаш мусиқа асбобида берилиб куй чалаётган ёш санъаткор аёл тасвирланган.

Ўрта Осиёда (Марв, Термиз ва бошқа шаҳарларда) кўпгина қалъалар туркийча ёки форсча (Чилдухтарон) номи билан “Қирқ қиз” деб юритилади. Янги эранинг I—VI асрларига мансуб бўлган Қирққиз ҳаробалари халқ ўртасида кенг тарқалган малика ва унинг қирқта дугонаси тўғрисидаги афсоналар билан боғлиқ. Бу афсоналарда гоҳ жанговар қизлар сифатида (қорақалпоқларнинг бир достонида), гоҳ тарки дунё қилган қувғинди қизлар сифатида (қирғизларнинг бир афсонасида), гоҳо қирғиз халқининг келиб чиқиши билан боғлиқ ҳолда (“қирғиз — қирқ қиз”) қирғиз халқининг энг биринчи (бош) онаси сифатида таърифланади.

АЁЗҚАЛЪА — ҲУДУДДАГИ ЭНГ ЙИРИК МАЖМУА

Милонинг I асри охири ва II асрларида Хоразм Кушонлар салтанати таркибига кирган. Бу даврга оид тарихий ёдгорликлар орасида Аёзқалъа мажмуаси ҳаробалари алоҳида кўзга ташланади. Аёзқалъа ёдгорлиги Эллиққалъа туманининг шимолий-ғарбида, Султон Увайс тоғ тизмалари этагининг шарқий қисмида жойлашган. Бу уч қалъадан иборат мажмуанинг умумий номи Аёзқалъа деб аталади.

Аёзқалъа-I қўрғони 60 метр баланд тоғ тепасидаги текисликда қурилган бўлиб, пастак гишт девор билан ўраб олинган катта қўрғондан иборатдир. Қўрғон 9 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Аёзқалъа-I шаҳар ҳам эмас, қишлоқ ҳам эмас, балки том маънодаги



Аёзқалъа мудофаа мажмуаси

аскарлар турадиган қалъа бўлган. Унда ўша даврдаги Хоразм давлатининг қўшини жойлашган. Бу қўшин салтанатнинг шимолий чегараси бир қисмини назорат қилиб турган. Хитой солномачиларининг берган маълумотиغا қараганда, у тўғри бўлса, хитойликларнинг Бяньчао қўмондонлигидаги қўшинлари Кангюй (Хоразм) давлатининг жуда ичкараси - Орол денгизигача етиб борган. Бунда сўзсиз Аёзқалъа ва бошқа жойлардаги қўшинлар ҳам душманга қарши ҳал қилувчи жанг олиб борганлар.

Аёзқалъа-1 қўрғонининг шимолий-ғарбий бурчаги яқинидаги Аёзқалъа тепалигининг этагида, 30 метр баландликда қад кўтариб турган конуссимон қоя тепасида Аёзқалъа-2 нинг ҳаробалари жойлашган.

Бир ривоятга қараганда, Хоразмда кекса подшо ўлиб, ўрнига янги подшо сайлаш учун кўп минг кишилик йиғин бўлибди. Унда фақат бахт қуши ҳисобланган Лочин кимнинг бошига қўнса, шу подшо бўлиши эълон қилинган. Бу воқеани эшитган Аёз ҳам подшо сайлаш майдонига томоша кўриш учун борган экан, бирдан унинг бошига бахт қуши келиб қўнибди. Подшоликни умид қилиб турган кўп кишилар қулдан ҳам подшо бўладими, Аёз кечагина қулликдан озод бўлган, деб бахт қушини олиб кетиб, яна қайта учирсалар, у яна учиб келиб Аёзнинг бошига қўнибди. Хуллас, бахт қуши неча марта қайта учирилган бўлса, у шунча марта учиб келиб Аёзнинг бошига қўнаверган. Халойиқ Аёзни подшо деб эълон қилган. Аёзхон қоя устига қалъа қурдириб, ўз тахтини ҳам шу қалъага олиб келибди. У қуллик давридаги аҳволим эсдан чиқмасин, деб тахтнинг рўпарасида, кўзи тушиб турадиган жойга ўз оёқ кийими — чоригини осиб қўйибди.

Аёзхон кўп йиллар давомида мамлакатни адолат билан бошқарган. Хоразмда «Аёзхон қуллик давридаги чоригини унутмаган» деган ибора ўша даврдан қолган экан. Аёзқалъа мажмуаси ҳозирда ҳам



Аёзқалъа—1

баланд тоғ текислиги устида виқор билан савлат тўкиб, қўпгина хорижлик сайёҳларнинг диққатини ўзига тортиб турибди.



Анзқалъа—2

ҚЎЙҚИРИЛГАНҚАЛЪА ЗАМОНАСИНИНГ РАСАДҲОНАСИ БЎЛГАН

Қўйқирилганқалъа эрамиздан аввалги IV асрда қурилган бўлиб, унинг ички айланаси 42 метр, ташқи айланаси 87,5 метр ва баландлиги 8 метрни ташкил этади. Ташқи девор бўйлаб бир-биридан маълум масофа узоқликда жойлашган 9 та бурж қад кўтариб турган.

Бу қалъа қурилиши меъморчилиги жиҳатидан Ўрта Осиёдаги энг қадимги қалъалардан ҳисобланади. Қалъанинг юмалоқ марказий минорасининг баландлиги 8 метрча бўлган. Қуйи қаватдаги бинолар деворнинг томга туташ бурчак қисмида жойлашган деразалар орқали ёритилган. Дераза тоқчаларининг чуқурлиги 7 метрга етган. Чунки, умумий айланаси 42 метрли минорани ўраб олган мустаҳкам девор жуда қалин бўлган. Марказда жойлашган бинолар



Қўйқирилган
қалъа

ташқаридан 15 метрдан ортиқроқ масофада мудофаа мақсадларида қурилган 9 та минорали айлана девор билан ўраб олинган.

С.П.Толстов қалъадаги астрономик кузатишларга мўлжалланган беш деразали хонани синчиклаб ўрганиб ва айрим ускуна қолдиқларига қараб, бу жойда расадхона (абсерватория) бўлган деган далилларни келтиради.

Демак, Кўйқирилганқалъада дунёнинг бошқа жойларига нисбатан кўп илгари расадхона пайдо бўлиб, коинот фани ривожланган. Расадхона фаолиятида арифметика, математика, геометрия, тригонометрия, физика, табиат, астрономия каби фанларга таяниши бизга маълум. Демак, Кўйқирилганқалъада милoddан аввалги IV асрдаёқ расадхона бўлганлигига асосланиб, шу даврда юқорида номлари қайд этилган фанлар кенг ривожланган, деб айта оламиз.

Қалъанинг асосан юқори қатлаמידан жуда кўп темир қурол ва буюмлар, темир ўроқ, бир қанча пичоқ, темир илгак, соқол юлаган мўйчанақ, ўқ ёй учлари топилган. Академик Я.Фулумовнинг қуйдаги тарихий маълумотларига тўхталиш мақсадга мувофиқдир. “Хоразм подшоси Фратапен Зариаспуга Искандар (Александр Македонский) ҳузурига ахамонийлар ҳокими сифатида эмас, балки Искандар ва унинг ворислари даврида ўз мустақиллигини сақлаб



Кўйқирилганқалъасининг туман тарих ва археология музейидаги макети



қолган Хоразм подшоси сифатида борган, ўзини суворийларнинг қўшини деб атаган. Фратапен Искандарга, агар у шу кўрсатилган қўшинларга юриш қилмоқчи ва Эвксин денгизи бўйида яшовчи қабилаларни бўйсундирмоқчи бўлса, унга Фратапен бу юришда йўл кўрсатмоқчи



Қалъанинг самалётдан қўришиши

ва унинг қўшинларини озиқ-овқат билан таъминламоқчи эканлигини айтади. Шундан кейин Искандар Фратапенни мақтаб, у билан дўстлашиб, ҳарбий иттифоқ ўрнатган. Фратапеннинг Искандар Зулқарнайн ҳазурига боришидан асосий мақсади унинг кейинги юришлари қаҳқидаги режасини билиш, агар Хоразм томонга юрмоқчи бўлса, унга қарши пухта тайёргарлик кўриш бўлган”.

Хоразм давлати пайдо бўлишининг дастлабки босқичида Қўйқирилганқалъа унинг мансабдорлари, лашкарбошилари ва улomalари яшайдиган марказ бўлиб хизмат қилганлиги кўриниб турибди. Эрамиздан аввалги IV асрдаёқ Хоразм давлати анча тараққий қилган. Қўйқирилганқалъа шу давлатнинг илмий маркази бўлган, деб хулоса чиқариш мумкин.

ГУЛДУРСУН – ГУЛИСТОН БЎЛГАН ҚАЛЪА

Гулдурсун қалъаси эрамиздан аввалги IV—III асрларда қурилган бўлиб, унда XIII асрларгача ҳаёт давом этган.

Катта Гулдурсун қалъаси қўш девор билан ўраб олинган нотўғри тўртбурчак (280 x 230 м.) шаклидаги қўш пахсали антик қалъа бўлиб, ташқи деворларида найзасимон шинаклари бўлган. Қалъага кириш дарвозаси жанубий-шарқ томонидан бўлиб, тўғри бурчакли муҳофиза иншооти билан ўралган. Яъни, бу ерда қадимги ҳарбий муҳофиза иншоотлари қурилиши услуби сақланиб қолган.

Душман дарвозадан бирданига бостириб кириши мушкул бўлган. Улар дарвозанинг ҳимоя қилинмаган томонидан кириб, ўнг томонга юриши ва чап томонга қайрилиб, ичкарига кириши билан қалъа

ҳимоячилари томонидан ўққа тутилган. Дарвоза олдидаги йўлакнинг антик лабиринти ҳам ўрта асрларда қайта қурилган.

1220 йили мўғул босқинчилари Хоразмга бостириб келганида Амударёнинг ўнг соҳилидаги Хоразм давлати ҳокимлиги жойлашган Гулдурсун қалъасида мўғулларга қарши қонли уруш узоқ давом этади. Яъни, Гулдурсун шу даврда воҳамиздаги мўғул босқинчиларига жуда кўп муддат қаршилик кўрсатган энг қудратли ва мустаҳкам қалъа бўлган. Мўғуллар бу қалъани узоқ вақт қамал қилиб, унинг халқини шафқатсиз қириб ташлаганлар, қалъага ўт қўйганлар. Билимли ва ҳунарманд кишиларни эса ҳайдаб олиб кетишган. Мўғул босқинчилиги туфайли гуллаб-яшнаб турган Гулдурсун вайронага айланиб қолган. Бироқ унинг атрофида XIV—XV асрларгача ҳаёт давом этган.

Гулдурсуннинг ҳашаматли ҳаробалари тўғрисида сон-саноксиз афсона ва ривоятлар тўқилган. Яқин-яқинларгача халқ ўртасида “бу ерга қарғиш теккан, қалъанинг остида яширин лаҳм бор, уни аждаҳо қўриқлаб туради, кимки Гулдурсуннинг битмас-туганмас хазиналарини топишга қасд қилса, ҳалок бўлади”, деган тушунчалар бор эди.

Шу ерлик ёш қароқалпоқ олими Ҳ.Кўжуров Гулдурсун тўғрисида болалигидан эшитган ривоятни шундай эслайди:

—Кексаларнинг сўзига қараганда, Гулдурсун бир замонлар “Гулистон” деб аталган экан. Бу жой ер-суви мўл, гуллаб-яшнаган бой шаҳар экан. Шаҳарни қари бир подшо бошқариб, унинг Гулдурсун исмли гўзал қизи бор экан. Кунлардан бир куни шаҳарнинг бошига кулфат тушибди: саҳродан келган босқинчи қалмиқ галалари ўз йўлида учраган ҳамма нарсани босиб-янчиб, ниҳоят, шаҳарга яқинлашибди. Қалмиқлар гуллаб-яшнаган дала ва боғларни ер билан яксон этиб, сўнг шаҳарга ҳужум қилибди. Шаҳар аҳлининг мардонавор мудофаасига учраган ғаним кучи етмагач, уни қамал этибди. Шу тариқа ойлар ўтибди. Озиқ-овқат захиралари тугаб, одамлар кўчаларда ўла бошлабди. Сафлари сийраклашиб қолган шаҳар ҳимоячилари қуроллари қўлларида зўрға ушлаб турар эканлар. Подшо шунда ўзининг амалдор ва лашкарбошиларини маслаҳатга чақирибди. Буларнинг ичида бир одам топилиб, у сўнгги нажот чорасини синаб кўришни таклиф қилибди. Бу жуда айёрона ўйланган режа экан. Қамалда қолган гулистонликлар бир неча хўкиз ичидан энг семизини маҳфий йўл билан саройга келтириб, уни подшо омборидаги сўнгги буюдой билан боқишибди ва шаҳардан ташқарига чиқариб юборишибди.

Фақат қамалдагилар эмас, балки қамал қилганлар ҳам очликдан силласи қуриб, азоб чекмоқда экан. Қалмиқлар бир неча ойлик қамал давомида озиқ-овқат захирасини еб битирган эди. Уларнинг қароргоҳида қамалдан воз кечиш тўғрисида гап-сўзлар бошланибди. Оч қалмиқлар шаҳар ичкарасидан қочиб чиққан ҳўкизни тутиб олиб, сўйишса, унинг ошқозони сара буғдой билан тўла эканлигини кўриб, саросимага тушишиб қолибди. “Агар улар молни шунчалик боқса, гамлаган озиқ-овқатлари беҳисоб эканда, қамал қилишдан фойда йўқ, шаҳарни олиб бўлмайди, очликдан қирилиб кетмасдан жўнаб қолайлик” дейишибди ганимлар. Қалмиқларнинг лашкарбошилари ҳам шу фикрга келишибди.

Бироқ, подшо қизи Гулдурсуннинг хаёли бошқа нарсада экан. У зуоқ ойлар давомида қалмиқларнинг мард, паҳлавон, ёш ва хушқомат лашкарбошиси — қалмиқ подшосининг ўғлини девордан кузатиб юрар экан. Қизнинг қалбида халқининг душманлари йўлбошчисига нисбатан чексиз эҳтирос аланга олибди. У қамалдагиларнинг ҳийласи иш берганини, юк ортилган туяларнинг бўкиришини, қалмиқларнинг ўтовлари бирин-кетин йиғиштирилаётганини кўриб, бир неча соатдан кейин уларнинг бу ерда қолмаслигига, улар билан бирга гўзал шаҳзода ҳам абадий кетишига кўзи етгач, инсон номига номуносиб иш тутибди: ўзининг содиқ канизагидан қалмиқ баҳодирига хат бериб юборибди. Хатда қиз йигитга бўлган муҳаббатини изҳор қилиб, гулистонликларнинг сирини очиб берибди. “Яна бир кун кут, — деб ёзибди у, — шаҳарнинг таслим бўлишини ўз кўзинг билан кўрасан”.

Қалмиқлар туялардан юкларни ерга туширишибди, тунда қароргоҳ атрофида яна сон-саноксиз гулханлар ёқилибди. Тонг отиши билан гулистонликлар душман шаҳарга яна ҳам яқинлашиб келганликларини кўрибди. Ҳийла иш бермаганини кўргач, умидсизликка тушган ва очликдан силласи қуриган шаҳар аҳли таслим бўлибди.




Катта Гулдурсунқалъа

Шаҳар душман томонидан таланиб, ёндирилибди, аҳолининг бир қисми қириб ташланибди, қолганларини эса қул қилиб олиб кетишибди. Сотқин Гулдурсунни шаҳзоданинг олдига келтиришибди. Шаҳзода унга қараб шундай дебди: «Ватанининг душманига бўлган номуносиб эҳтирос туфайли халқига ва ўз отасига хиёнат қилган экан, яна бошқа биров унинг ҳирсини уйғотса, менга вафо қилармиди? Уни ёввойи айғирларнинг думига боғланг, токи бундан кейин ҳеч кимга хиёнат қила олмасин».

От думига боғланган Гулдурсуннинг танаси парча-парча бўлиб, чўлу-биёбонларда қолиб кетибди. Хоиннинг қони тўкилган бу ер харобага айланиб, энди Гулистон эмас, шу қизнинг номи билан Гулдурсун деб атала бошлабди.

Бу фожиали ривоятда тарихий ҳақиқат учқунлари яширинган. Ўрта Осиё халқларининг ривоятларида XVII—XVIII асрларда Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг шимолини ўт ва қилич кучи билан даҳшатга солган истилочилар — қалмиқлар, Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар таърифланади. Гулдурсун шаҳри ва далаларида худди ана шу мўғуллар босқинчилиги туфайли яқсон қилинган ҳаёт бизнинг давримизга келиб, қайтадан яшнамоқда.



Катта Гулдурсунқалъадаги лабиринтсимон дарвоза



ТЕШИКҚАЛЪА — ЖУДА НОЁБ ОБИДА

Тешикқалъа VI—VIII асрларга оид афригийлар даврининг кўшикидир. Қалъа Элликқалъа туманидаги “Қирққиз” овули ҳудудида жойлашган. Бу қалъа VI—VIII асрлар ҳаёти ва турмушини ифодаловчи муҳим тарихий обидалардан бири ҳисобланади.

Тешикқалъа қурилиши меъморчилигининг бошқа қалъаларга нисбатан ўзгача томони шундаки, унда айрим хоналар усти гумбаз қилиб бостирилган. Яъни, бу қалъа қурилишида янгича меъморчилик услублари қўлланила бошланган.

Тешикқалъа воҳасидаги барча аҳоли яшайдиган пунктларнинг мустақамланганлиги ва моддий маданият қолдиқларининг жой жиҳатдан фарқ этиш ҳолати воҳанинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларидан ажралиб қолганлигини кўрсатади. Бундай аҳвол Хоразмнинг бошқа қалъаларида ҳам учрайди. Бу вазият араблар истилосидан сал олдинги даврга тўғри келади. Демак, бу даврдаги ички зиддиятлар, тўқнашувлар кучайиб ва ҳукмдорлар бир-бирлари билан келишмасдан ажралган ҳолда ҳаёт кечиришлари хоразмшоҳлар олий ҳокимиятининг заифлашувига олиб келган ҳамда Хоразмнинг араблар томонидан тез ва осон босиб олинишига сабаб бўлган дейишга асос бўлади.

Тешикқалъадаги ҳаёт қулдорлик тузумининг инқирозга учраши, феодализмнинг шаклланиши ва ривожланиши, араблар истилоси, зардуштийлик ўрнига ислом динининг кириб келиши каби сиёсий воқеалар билан ҳам ифодаланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Тешикқалъа воҳамиздаги жуда ноёб тарихий қалъалардан бири ҳисобланади.



Тешикқалъа

ҚҰРҒОШИНҚАЛҒА

Бу маҳобатли қалға эрамиздан аввалги IV—III асрларда бунёд этилган бўлиб, Султон Увайс тоғининг шимолий-шарқий тизмалари этагида, бугунги Эллиққалға туманининг “Қизилқум” овули фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган.

Қалғанинг ҳажми 90 x 150 метр бўлиб, унинг тўрт бурчагида тўғри бурчакли миноралари (буржлари) бўлган.

Қўрғошинқалға воҳаси 67 гектар майдонни ташкил этиб, унинг жанубий-шарқ ва ғарб томонида қишлоқ жойлашган. Қалға атрофида 200 x 300 метр майдонда ҳар бирининг оралиғи 3—4 метрдан кичик-кичик ариқлар қазилган бўлиб, бу ерда узумзорлар барпо этилган, деб тахмин қилинади.

VIII асрга келиб Қирққиз каналининг қуйи қисмига сув келмай қолганлиги туфайли Қўрғошинқалға атрофида ҳаёт тўхтади, одамлар сувга яқин жойларга, Амударё қирғоқларига кўчиб кетадилар.



Қўрғошинқалға

ҚИЗИЛҚАЛҒА — МУСТАҲКАМ ҲАРБИЙ ИСТЕҲКОМ

Қизилқалға ёдгорлиги эрамизнинг II—III асрларида қурилган анча мустаҳкам қалға бўлган. Бу қалға баланд гишт пойдевор устига бунёд этилган бўлиб, ундаги тураржой бинолари каттагина ҳарбий горнизонга мўлжалланган. Яъни, бу қалға Хоразм подшолиги аскарлари яшайдиган ҳарбий казарма бўлган. Қалғанинг жанубий томонида



аскарлар машқ қиладиган каттагина майдон ҳам мавжуд бўлиб, ўша даврга хос равишда жиҳозланган.

Умуман, Қизилқалъа стратегик жиҳатдан муҳим жойда қурилган. У давлат пойтахти бўлган Тупроққалъани ҳамда шу воҳа аҳолисини Султон Увайс тоғи этагидан ўтадиган йўл орқали ва Амударё томонидан келадиган хавфдан қўриқлаб туришга мўлжаллаб қурилгандир. Ўрта асрларда бу қалъа қайта қурилган бўлса ҳам унинг меъморчилигида дастлабки кўриниши сақлаб қолинган.

Маҳаллий халқларнинг айтишига қараганда, Қизилқалъадан Тупроққалъага борадиган ер ости йўли бўлган, дейишади. Лекин, бу йўл ҳозирча қазиб ўрганилмаган ва бу ҳақда аниқ маълумот йўқ.



ОЛИМНИНГ УШАЛМАГАН ОРЗУСИ

Сергей Павлович Толстов 1946 йил 4 июлда Москвада бўлиб, фанлар академиясига Хоразмда иш олиб бораётган экспедицияга доир: “Шу давргача номаълум бўлган 200 та қалъа сири очилди. Ўн бир минг квадрат метр майдонда, ер қаърида 15—20 минг йил ётган антропологик, археологик ашёвий далиллар ибтидоий жамоа, қулдорлик даври, қадимий Хоразм давлатининг пайдо бўлиши, юксалиши ва емирилишига доир ашёвий топилмалар тарих фанида ян-



гилик бўлди. Қизилқум барханлари остида қолиб кетган, баландлиги йигирма беш метр бўлган Тупроққалъанинг исломгача бўлган даврда бунёд қилинганлиги аниқланди. Бу ердан катта қас, қурол-аслаҳа устахонаси, подшо-лар маскани, “ҳарбийлар зали”, “ғалаба ва тантаналар зали” каби икки юз хонали қошоналар топилди”, деб ҳисобот беради.

С.П.Толстовнинг Тўртқўл шаҳридан йигирма икки чақрим шимолий-шарқда жойлашган, астрономик кузатишларга мослаштирилган (эрамиздан аввалги IV асрдаги) минорали Қўйқирилганқалъанинг истеҳкомли деворларини топгани ҳам бунда кўпгина тафсилотларни ойдинлаштирди. Чунки, мазкур қалъа геометрия, геодезия, астрономия фанларининг моҳир билимдонлари томонидан бунёд этилганлиги, ой, қуёш, кун, йил ҳисоблари, деҳқончилик маданияти белгилари билан ажралиб туради.

Тарихчи-олим С.П.Толстов дунё археология ва этнографиясига катта ҳисса қўшган тарих фанлари доктори, давлат мукофоти соҳиби, уч юздан кўпроқ илмий асарлар муаллифи эди. Антропология ва этнография фанлари халқаро уюшмасининг вице-президенти, Германия фанлар академияси мухбир аъзоси, Буюк Британия қироллиги антропология институти аъзоси ҳам бўлган. У Ўзбекистон, Тожикистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби каби унвонлар соҳиби ҳам эди.

Хоразмга бир умр боғланиб қолган археолог-олим мустаҳкам ирода, тарихни холис ва ҳаққоний ўрганиш билан умрини ўтказди. Профессор Николай Иванович Матвеевнинг Сергей Павлович Толстов оила аъзолари фикридан келиб чиқиб айтишича, 1976 йил 28 декабрда Москвада ҳаётдан кўз юмган археолог вафотидан сўнг ўзини Хоразм тупроғига кўмишларини тайинлаган. Афсуски, Хоразм тарихига, санъати ва маданиятига бир умр муҳаббат қўйган олимнинг истаги амалга ошмади. Унинг орзу ва армонлари рўёбга чиқмай қолиб кетди.

Ўзбек давлатчилиги цивилизацияси тарихини, ўлкамиз маданиятини ҳаққоний очиб беришда беқиёс хизмат қилган археолог-олим Сергей Павлович Толстов таваллудининг 100 йиллиги 2007 йилда кенг нишонланади.



Бу қутлуғ санага катта тайёргарлик кўрилмоқда. Эллиққалъа туманида Ўзбекистон Фанлар академияси билан Австралиянинг Сидней университети ҳамкорликда “Жаҳон маданияти тарихи тизимида қадимий Хоразм цивилизациясининг ўрни” мавзусида халқаро симпозиум ўтказишга тараддуд кўрилаяпти.

ХОТИМА ЎРНИДА

Ушбу кичик рисола тарихга қизиқувчиларга мўлжалланган бўлиб, ўлкамизда мавжуд кўплаб кўҳна обидаларнинг яратилиши ва уларнинг тарихда тутган ўрни, муҳофаа кўрғонларининг аҳамияти ҳақида қисқача маълумот беради.

Рисолани яратишда буюк тарихчи-аллома Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, С.П.Толстовнинг “Қадимги Хоразм маданиятини излаб”, “Древний Хорезм” ҳамда “Қадимги Окс ва Яксарт дельталари бўйлаб” асарларида баён этилган далил ва исботларга таянган ҳолда фикр юритилди.

Шунингдек, тарих фанлари доктори Исо Жабборовнинг “Буюк хоразмшоҳлар давлати”, академик Яҳё Фуломовнинг “Хоразмнинг суғориш тарихи” китобларидан фойдаланилди.

Ушбу рисоланинг ўқувчилари ўлкамизнинг қадимий тарихи, маданияти ва меъморчилик санъати билан яқиндан танишиш имконига эга бўлиш билан бирга, ҳарбий истеҳкомларнинг қурилиш услублари, уларнинг аҳамияти ҳақида ҳам кенг тушунча оладилар.

Мазкур китобчани яратишдан асосий мақсад — ёшларга Эллиққалъа ҳудудида жойлашган қадимий ёдгорликларнинг қисқача тарихини баён қилиш ва уларни авайлаб-асраш зарурлигини, келгуси авлодга етказиш лозимлигини таъкидлашдан иборат. Зеро, собиқ иттифоқ даврида кўҳна қалъалар қисмати ачинарли тус олиб, бу бебаҳо ёдгорликларга яқин жойлашган айрим хўжалик раҳбарларининг бепаровлиги, тарих олдидаги масъулиятсизлиги оқибатида уларнинг емирилишига, ҳатто кесаклари далага “ўғит” сифатида ишлатилишигача бориб етди.

Ҳолбуки, дунёнинг бошқа жойларида учрамайдиган бу ноёб ва бетакрор қалъаларнинг қолдигини, унинг ҳар бир қарич тупроғини кўзга суртиб авайлаб-асрашимиз, ўзимиздан кейин келадиган авлодга жуда бўлмаса, ҳозиргидек ҳолатда бус-бутун топширишимиз даркор.

МУНДАРИЖА

Аждодлар мероси — келгуси авлодга.....	3
Қудратли қўрғонлар давлати.....	5
Желдикқалъа — майин шамолли қалъа.....	13
Қаватқалъа — Хоразмнинг юксалиш даври ёдгорлиги.....	14
Бургутқалъа узоқ мозийдан дарак беради.....	15
Ҳайқалъа ёдгорлиги.....	17
Катта Қирққизқалъа стратегик мудофаага эга.....	18
Аёзқалъа — ҳудуддаги энг йирик мажмуа.....	19
Қўйқирилганқалъа замонасининг расадхонаси бўлган.....	21
Гулдурсун — Гулистон бўлган қалъа.....	23
Тешиққалъа — жуда ноёб обида.....	27
Қўрғошинқалъа.....	28
Қизилқалъа — мустаҳкам ҳарбий истеҳком.....	28
Олимнинг ушалмаган орзуси.....	29
Хотима ўрнида.....	31



Менгес Алламбергенов

ҚАДИМИЙ МУДОФАА ҚЎРҒОНЛАРИ

Маъсул муҳаррир *Аминбой ОРТИҚБОЕВ*

Муҳаррир А. Ирисбоев

Расмол Х. Худойбердиев

Техник муҳаррир Т. Смирнова

Саҳифаловчи А. Ғурсунов

Оригинал макет «Medlanashr» МЧЖ
компьютер марказида тайёрланди.

Босишга 10.05.2007 йилда руҳоат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 1,5 б.т. Нусхаси 1000.
Буюртма №72. Шартнома №47/3.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х. Сулаймонов кўчаси, 33.